

АЁЛЛАРДА ЖАРОҲАТДАН КЕЙИНГИ СТРЕССНИНГ КВАЛИФИКАЦИЯСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14537450>

Алимова Умида Рахматиллаевна

Ўзбекистон. Низомий номидаги ТДПУ

“Амалий психология” кафедраси ўқитувчи

Тел:+998901897790

umkaazimova507@mail.ru

Аннотация

Стресс муаммолари мазкур олимлар томонидан ўтиш даври, мураккаб, инқирозли ва шу билан бирга инсон шахси камолотида ҳал қилувчи ахамиятга эга давр сифатида талқин этилади. Айнан шу даврга келиб инсонда фаолият доираси кенгайиши, характер сифат жихатдан ўзгариши, онгли хулқ-атвор пойдеворига асос солиниши, ахлоқий тасаввурлар шаклланиши таъкидланади.

Калит сўзи

Стресс, шахс, психологик, жароҳат, жисмоний жароҳат, руҳий жароҳат, кечинма, хатти-ҳаракат.

КВАЛИФИКАЦИЯ ПОСТТРАВМАТИЧЕСКОГО СТРЕССА У ЖЕНЩИН

QUALIFICATION OF POST-TRAUMATIC STRESS IN WOMEN

Аннотация

Проблемы стресса трактуются этими учеными как переходный период, сложный, кризисный и в то же время решающий период в развитии человеческой личности. К этому периоду подчеркивается, что сфера деятельности у человека расширяется, качественно меняется характер, закладываются основы сознательного поведения, формируются нравственные представления.

Ключевые слова

Стресс, личность, психологическая травма, физическая травма, психологическая травма, опыт, поведение.

Оиладаги зўравонлик тажовузкор ернинг зўравонлик харакатининг алохида ҳодисаси емас, балки “гендер стериотип” сифатида қаралади. Аслида, оиладаги зўравонлик ва зўравонлик таҳдиidi аёлларни шахсий еркинлик ва ўзини англаш имкониятларидан маҳрум қилиш учун мавжуд куч ва назорат механизмлари бўлиб, дунёдаги аёлларга нисбатан умумий камситиш контекстида улар аёлларга нисбатан умумий зўравонликнинг намоён бўлишини белгилайди.

Ижтимоий-тариҳий ва хуқуқий омиллар билан бир қаторда жамиятда тажовузга, зўравонлик харакатларига, шу жумладан оилавий шароитда ҳам зўравонликка мойил бўлган шахсларнинг мавжудлиги зўравонлик динамикасининг прогрессив хусусиятига егалигини кўрсатади. Бу еса, аёллардаги психологияк билим даражаси ва вазиятни обектив баҳолаш ко’никмасининг етарлича шаклланмаганлиги қўпинча оиладаги зўравонлик обетига айланиб қолиш еҳтимолини оширади.

Жароҳатловчи стресс бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

- 1) бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг англанганлиги яъни, шахс ўз психологик ҳолати нима сабабдан ёмонлашганини билиши;
- 2) бу ҳолатни юзага келтирувчи ташқи сабабларнинг мавжудлиги;
- 3) бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг кундалик ҳаёт тарзига таъсир этиши;
- 4) бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг даҳшат ва наждисизлик ҳиссини чақириши, бирор хатти-харакатни амалга оширишда ёки қарор қабул қилиш ожизлик.

Бошдан кечирилган психологик жароҳат туфайли юзага келган бузилиш шахснинг барча функционал соҳалари (жисмоний, шахсий, шахслараро ва ижтимоий ҳамкорлик даражаси)га таъсир ўтказади, нафақат стрессни бошдан кечирган шахсларда, балки унинг оила аъзоларда ҳам барқарор шахсий ўзгаришга олиб келади.

Жароҳатловчи стрессни бошдан кечириш натижасида баъзи шахсларда келажакда жароҳатдан кейинги стресс (ПТСР) юзага келади.

Жароҳатдан кейинги стресс – бу жароҳатловчи стрессга нопсихотик тезкор реакция бўлиб, ҳар қандай шахсда юзага келиши мумкин бўлган психологик бузилишdir. Жароҳатдан кейинги стресс уни бошдан кечирганларда кузатилган симптомлар комплекси билан белгиланади.

ДСМ - ИВ (Diagnostic and Statistical Manual of mental disorders – Америка психиатрия ассоциацияси томонидан тайёрланган психиатрик

стандарт классификацияси)га мувофиқ бу симптомлар комплекси қүйидагидан иборат.

А. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса иштирокчисига айланган индивид қўйидаги 2 пунктни бажарган бўлиши керак:

1. Индивид ўлим хавфи, жиддий жароҳатланиш хавфи ёки жисмоний саломатликка заар етиши иштикорчиси бўлиши ёки гувоҳи бўлиши.

2. Индивид реаксиясининг интенсив қўркув, иложизизлик ёки даҳшатдан иборатлиги.

Б. Жароҳатловчи воқеа-ҳодисанинг бир ёки бир неча ҳолатларда қайтарилиши:

1. Жароҳатловчи воқеа-ҳодисага хос образ, фикр ва идрок этилган нарсаларнинг оғир эмоционал кечинмаларни чақириши.

2. Воқеа-ҳодиса билан боғлиқ тақорланувчи оғир тушлар.

3. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса яна тақорлангандек ҳаракатланиш ёки ўзини шундай ҳис этиш.

4. Жароҳатловчи воқеа-ҳодисани эслатувчи ёки рамзийлаштирувчи ташқи ёки ички вазиятларни интенсив оғир кечинмалар чақириши.

5. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса аспектларини ташқи ёки ички рамзийлаштирувчи вазиятларда физиологик реактивлик.

С. Жароҳат билан боғлиқ стимуллардан доимий қочиш ва "караҳт қилиш" - эмоционал реакцияларни блоклаш (жароҳатгача қузатилмаган). Қўйида санаб ўтилган хусусиятларнинг уч ёки ундан ортиғи билан белгиланади:

1. Жароҳат билан боғлиқ ўй-ҳаёллар, туйгулар ёки сухбатлардан қочишнинг кучайиши.

2. Жароҳатни эслатувчи хатти-ҳаракат, жой ёки одамлардан қочишнинг кучайиши.

3. Жароҳатнинг мухим аспектларини эслай олмаслик(психоген амнезия).

4. Олдин мухим бўлган фаолиятларда иштирок этишга қизиқишининг сезиларли даражада пасайиши.

5. Бошқалардан фарқ қилиш ёки ажралиб қолиш туйфуси.

6. Аффектни ифодаланишининг пасайиши.

7. Келажақдан умидсизлик туйфуси.

Д. Кўзғалишни кучайтирувчи доимий симптомлар(жароҳатгача қузатилмаган). Қўйида келтирилган симптом билан белгиланади:

1. Ўйқуга кетишга қийналиш ёки ёмон ухлаш (эрта уйғониш).

2. Асабийлашиш ёки жаҳлдорлик.

3. Диққатни жамлашга қийналиш.

4. Юқори даражада эхтиёткорлик, огоҳлик, доимий хавф-хатарни кутиш.

5. Гипертрофик қўрқув реакцияси.

Е. Ўзгаришларнинг 1 ойдан узок давом этиши (В, С ва Д пунктлардаги симптомлар).

Ф. Психологик ўзгариш ижтимоий, касбий ёхуд ҳаёт фаолиятининг бошқа мухим соҳаларида клиник жиҳатдан мураккаб оғир эмотсионал ҳолатни чақиради.

Симптомлар жароҳатловчи вазиятдан кейин дархол ёки бир неча йил ўтиб ҳам юзага келиши мумкин.

Бугунги кунда хорижлик муаллифлар томонидан жароҳатдан кейинги стресс ташхисига қўшимча равишда яна бир категория – жароҳатдан кейинги шахслиликдаги тартибсизлик таклиф этилади. Яъни бундай жароҳат шахс руҳиятида ўчмас из қолдириб, унинг шахсида патологик трансформацияни юзага келтириши мумкин.

Жароҳатдан кейинги стресс қўплаб стрессли вазиятларнинг асорати бўлиши мумкин. Турли сабабларга кўра (жароҳат хусусияти, индивидуал шахс хусусиятлари, ижтимоий мухит қўллаб-куватлаши ва х.к.) жароҳатловчи кечинмалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ҳар доим психологик жароҳат руҳий азоб беради. Шахс бу азобли кечинмалардан қутилишни истайди, лекин камдан кам ҳолларда ўзини ўзгартиришга харакат қиласди. Бундай вазиятларда ўз устида ишлаш узок ва азобли кечади. Жароҳатловчи кечинмалар ҳаддан ташқари оғир ва чида бўлмас даражага етганда онгдан сиқиб чиқарилади. Шахс уни онгдан сиқиб чиқариб, ўзидан ажратади.

Жароҳатланган шахс ҳаддан ташқари кучли эмоционал ҳолатни бошдан кечиргани учун ҳаммасидан ҳам кўра ўша ҳолатнинг тақрорланишидан қўрқади. Жароҳатловчи воқеа-ходиса билан боғлиқ эмоциялардан қочиш учун барча имкониятларни ишга солади.

Жароҳатловчи вазиятни эсга туширадиган ҳар қандай стимул (ҳид, товуш ва х.к.) барча ҳиссиётларни уйғотади ҳамда шахс тақрор ва тақрор жароҳатловчи воқеа-ходиса вақтида хис этган кечинмаларини бошдан кечиришига тўғри келади. Шунинг учун шахс ўз “жароҳат маркази”ини бирор стимул бехосдан очиб юбормаслиги учун доимо огоҳ туриши, жароҳатловчи вазиятни эсга туширувчи ҳамма нарсадан қочиши керак. “Жароҳат маркази”ни саклаш шахсдан борган сари қўпроқ куч талаб қиласди.

Натижада тушкунлик, уйқусизлик, сезгирилкнинг ортиши, диқкат, хотира ва бошқаларнинг бузилиши юзага келади.

Сурункали эмоционал зўриқиши жисмоний саломатликнинг ҳам ёмонлашувига олиб келади. Психосоматик бузилиши юзага келади. Деструктив кечинмалар, психологик ҳимоя механизмлари мушаклардаги тортишиш ва зўриқиши каби шахс танасида ифодаланади. Стрессли вазият ёки психологик жароҳат "мушак брони"ни юзага келтиради. В.Райх таъкидлашича, психологик ҳимоя механизмларидан "актуал эмоционал кечинмалар" ни яширишда фойдаланилади ва турли гурухга оид мушаклар зўриқиши, тортинчоқлик билан нафас олиш каби белгилар билан ифодаланади.

Шахс бир ёки бир неча жароҳатловчи воқеа-ходисаларни бошдан кечиргач, унинг психикаси чуқур зарап кўради. Бу воқеа-ходисалар унинг ҳаётий тажрибасидан тубдан фарқ қилгани учун кучли азоб чекади ва шахс салбий реакциялар билан жавоб қайтаради. Бундай вазиятда нормал психика табиийки, дискомфортни юмшатишга ҳаракат қиласи: шахс ҳаётини озгина бўлсада енгиллаштириш учун атроф-оламга муносабатини тубдан ўзгартиради, бу эса ўз навбатида психологик зўриқишини чакиради ва психологик ҳимоя механизмларини шаклланишига шароит яратади. Бу ҳолатда психологик ҳимоя шахснинг стрессли вазиятни бошдан кечиришига жавобан ривожланади, шу сабабли жароҳатланган шахс бўлиб ўтган воқеа-ходиса, хиссиётларни қабул қила олмайди ва англай олмайди.

Аёлларнинг муҳим хусусиятларидан бири - бу унинг эмоционаллигидир. У ўз атрофидаги ҳар қандай ўзгаришга сергаклик билан жавоб қайтаради - ҳоҳ у ижобий бўлсин, ҳоҳ у салбий. Айнан аёлларда стрессли вазиятлар таъсирига нисбатан заиф ва бекарор категорияга мансуб хисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бургес Е. Подростковая агрессия. - М., 1999. – 28 с
2. Батурина Н.А. Оценочная функция психики: Автореф. дис. ...докт. псих. наук. СПб., 2004. – 32 с.
3. Волков Б.С. Конфликтология: Учебное пособие для вузов / Б.С. Волков. - М.: Академический проект, 2010. – С.76.
4. Гозман Л.Я. О психологической помощи учащимся как важнейшей функции учителя. // Психолого-педагогическая коррекция и психотерапия

девиантного поведения и дисгармонии в развитии личности детей и подростков. - Воронеж, 1993. - С. 14-18.

5. Гринберг Ж. Психопатология подросткового возраста (теоретический, клинический и судебно-психиатрический аспекты), - Томск: Изд-во Том, Ун-та, 1994. - 310 с.